


ХИТОЙ СИНФИЙ КУРАШ ДАВРИДА “ҚИШЛОҚ АДАБИЁТИ”

 10.24412/2181-1784-2021-1-416-425

Расулева Нигина Алишеровна

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD
Тошкент давлат шарқшунослик университети

Аннотация: *Мазкур мақолада янги давр хитой адабиётида “қишлоқ” сюжети ва асарларда деҳқонлар ҳаётининг акс эттирилиши таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *қишлоқ сюжетлари, деҳқон, хитой модерни, рефлексия ва модернизаторлик кайфияти.*

Annotation: *The article analyzes the “village” plot in modern Chinese literature and the reflection of peasant life in the works.*

Key words: *Rural stories, peasants, chinese modern, reflective and modernizable mood.*

“Қишлоқ сюжетлари”, “қишлоқ ҳикоялари”, “қишлоқ адабиёти” ва “урф-одат, анъана” тушунчалари муҳокама қилинганда, улар бир-бирига устма-уст жойлашади ва икки маънолилик пайдо бўлади. Энг мураккаб вазиятлар қишлоқ сюжетлари ва қишлоқ адабиёти ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ. Қишлоқ сюжетлари – хитой инқилобий-социалистик адабиёти тушунчасидир. Режавий иқтисодиёт ҳақидаги асарлар шундай номланган. Қишлоқ хўжалигига таяниб, ишлаб чиқариш томонидан белгиланган йўналиш билан, режа иқтисодиёти инқилобининг асосий мақсади - мамлакатни қисқа муддатда модернизация қилишга эришди. Бироқ маданият ва адабиётда хитойликлар ҳукуматнинг топшириқлари билан қишлоқ – жамият пойдевори деган фикрни илгари суришга мажбур эдилар, бундай ҳолатда ишлаб чиқариш биринчи планга чиқиши амримаҳол эди. Шу орқали “қишлоқ сюжетлари” тушунчаси пайдо бўлди. Албатта, асарларни сюжет нуқтаи назаридан таснифлаш ноўрин. Бундай ажратиш нисбийдир, негаки қишлоқ ва шаҳар муҳитлари бирлашиб, яхлит манзара ҳосил қилиши ҳам мумкин.

Маърифат давридан бошлаб, оғзаки ва ёзма адабиёт зодагонлар ва буржуазия ҳаётидан ҳикоя қилган. Ушбу қатлам ареали жуда кенг, зодагон ва буржуа вакиллари қишлоқ ва шаҳар ўртасида бемалол юрар эдилар, социалистик инқилоб давридаги Хитой адиблари эса аксарияти қишлоқларда

истиқомат қилувчи деҳқонларга ўз диққат-этиборларини қаратганлар. Ваҳоланки, Пекин, Шанхай ва Гуанджоудан ташқари барча шаҳарлар кенгайтирилган қишлоқ кўринишига эга бўлиб, улардаги ҳаёт тарзи ва маданият ҳам қишлоқни эслатар эди. Шу сабаб қишлоқ сюжетларига шаҳар сюжетлари эмас, балки ишлаб чиқариш сюжетлари тескаридир. Ҳар қандай қишлоқ сюжетлари социализм маданий сиёсатининг маҳсулидир, унда хитой жамиятининг асл суръати акс эттирилган. Шундай қилиб, ишчи, деҳқон ва аскар бош қаҳрамон саналган асарларда, қишлоқ доимо энг асосий вазифани бажаради.

Қишлоқ адабиёти-модернизм санъати билан кириб келган бўлсада, ушбу тушунчани умуман рад этади ёки бошқа нуқтаи назардан кўриб чиқади. Бу биринчи бор Чжан Динхуаннинг (1926) Ли Син ижодини қилган таҳлилида кўрсатилди. У Лу Син¹ асарларини қишлоқ назмий асари деб атади ва шундан бошлаб бу атама хитой замонавий сўзлашуви² асосий терминларининг бирига айланди. Бироз вақтдан сўнг Ли Син ушбу терминни “Адабиётни ўрганиш жамияти” нинг аъзолари бўлган ёш ёзувчилар - Цзян Сянай, Ван Луян ва Сюй Цинвэнларнинг асарларига берган тақризида ишлатди. Уларнинг ижодига (XX аср ўрталаридан бошлаб) қишлоқ адабиёти деб ном берилди³.

“4-май ҳаракати ” даврида қишлоқ адабиёти фаол ривожланган бўлсада, доминант сўзлашувига эришмади. Шу сабабли Лу Син қишлоқ адиблари ижодига катта аҳамият бериб, Ван Луян, Сюй Цзе, Пэн Цзяхуан, Тай Цзиннун, Сюй Цинвэн, Чэн Айсин, Ван Жэншу, Фэй Мин ва бошқа муаллифларни бор кучи билан қўллаб қувватлади. Юқорида кўрсатилган ижодкорлар орасида энг таниқлиси Шэн Цунвэндир.

Қишлоқ адабиётининг ўзига хос жиҳати шундаки, унда қишлоқ ҳаётининг қийинчилиги ҳамда деҳқонларнинг ҳаёт қийинчиликларига бардошлилиги акс эттирилади. Ушбу асарлар қишлоқ ҳаёти, ватан соғинчи, табиат гўзаллигини куйлаш ҳамда қишлоқ манзараларини тасвирлаш руҳи билан тўлдирилган. Қишлоқ адабиёти ва модерн йўналишининг ўзаро муносабати ҳақида гапирар эканмиз, уни жамиятдаги кескин ўзгаришларга жавоб тариқасида кўрсатишимиз мумкин. Масалан, Европада индустриализм даври бошланганда ижодкорларнинг қишлоқ ҳаётига этибори ортди, ундаги яшаш тарзи сўниб бориши, табиатни куйлаш каби романтизм адабиёти мавзулари кенг тарқалди.

¹Лу Син (1881–1936) – ёзувчи, замонавий хитой адабиётининг асосчиси.

²Лю Шаотан, Сун Кэмин. Хитойнинг қишлоқ адабиёти маълумотномаси (“Замонавий” томи) Пекин. Нунчун дуу чубаншэ, 1996.

³Лу Син. Хитойнинг янги адабиёти маълумотномаси: Наср. Шанхай: Шанхай лянютушу гунск, 1935.2 қисм.

Худди шу каби Хитойда ҳам қишлоқ адабиёти модернга ёндашиб борди: она ерларини ташлаб кетиб шаҳарда жойлашиб олган одамлар қишлоғини соғинч билан эслашни бошлади. Аммо замонавий Хитойда рўй берган кескин ўзгаришлар Маърифат даври адабиёти таъсирида шаклланган қишлоқ сўзлашувидаги маънавий йўналишга нуқта қўйди. Қишлоқ назми тарих таъсири ва синфийликдан озод бўлгани йўқ. Қишлоқ сюжетлари Хитойдаги радикал модерн таъсирида дунёга келди. Улар инқилобий онг билан бирга пайдо бўлди. Хитой Халқ Республикаси ташкил топганидан кейин қишлоқда социалистик инқилоб давом этди, ислохотлар амалга ошиб борди ҳамда адиблар келажакдаги социалистик қишлоқни тасвирлай бошлашди. Янги асарлар шахсий хотираларга бой бўлган соғинчли ижод наъмуналаридан кескин фарқ қилар эди. “Қишлоқ сюжетларида” қишлоқ тўғрисидаги меҳрли хотираларга ўрин қолмади, қишлоқ ҳикоясига синфий ва сиёсий кураш кириб келди.

“Қишлоқ сюжетлари” доимо янги давр хитой адабиётининг асосий кучи саналган. 1949-йилдан бошлаб қишлоқ ҳикоялари устувор ўринни эгаллайди, қишлоқ ҳақидаги асарлар эса реализм адабиётининг асосий йўналишига айланди.⁴

Чжао Шули янги давр хитой адабиётининг флагманига айланганидан кейин, инқилобий-социалистик ёзувчилар бор кучлари билан халқ дидига мос асарлар яратиш йўлларини излай бошладилар. Бу ерда масала китобхонларнинг дидида эмас, балки хитой модернида, миллий давлатчилик образи аграр инқилоб орқали ёритилганлигидадир. Хитой инқилобининг асосий кучи – деҳқонлар бўлиб, социалистик негизда деҳқонлик маданияти назарда тутилган. Инқилобий-социалистик адабиёт озод этилган Янъан ҳудудида ривожланиб, кўп сонли инқилобий адибларни, асосийси ўзининг маънавий негизи – қишлоқни топишга муваффақ бўлди. Албатта, бунга ҳудудий-тарихий омиллар шароит яратган, бироқ инқилобий-социалистик адабиётнинг ўзи шу каби омилларни, ўша даврнинг тарихий шартларидан келиб чиққан ҳолда барпо қилган.

Хитойнинг инқилобий маданияти ўз ривожининг бошланғич даврида қишлоққа хос бўлган, шу сабаб, пролетар маданиятнинг ривожланишида, муқаррар тарзда қишлоқ аҳолиси – маданият ва тарих эгаларига мурожаат қилди. Социалистик маданият гегемонияси ғояси халқ онгини узил-кесил эгаллаши учун, уни деҳқонлар анъаналари билан боғлаш зарур бўлди. Инқилоб

⁴Замонавий хитой адабиёти тарихи бўйича ўқув қўлланма/ Чэн Сихэ муҳарририяти остида// Фудан сюэбао.1999.30 бет.

айнан анъанавий хитой маданиятида амалга оширилган бўлиб, замонавий социалистик маданиятга қарши ҳодиса сифатида кўрилсада, у санъатнинг анъанавий ифода воситаларига мурожаат этишга мажбур қилди. Тарихни барпо этиш учун, хитой социализми маданий анъана ва маданият билан муроасага бориб, деҳқонларни жалб этиб, уларни қайта тарбиялаши зарур эди. Шунингдек, буржуа маърифий маданиятига барҳам бериш керак эди. Мао Цзэдуннинг “Янъан тезислари” да инқилобий адабиёт йўналиши яққол белгилаб берилди. Унинг айтишича, инқилобий адабиётнинг устувор мақсади – деҳқонларни инқилобга жалб этиб, хитой модернини деҳқончилик маданияти ёрдамида қайта барпо этган ҳолда уларнинг саводини оширишдан иборат.

Қишлоқ сюжетлари инқилобий-социалистик адабиёти ривожланиши жараёнида баъзи ижодкорлар фақатгина адабий мақсадларни кўзлаган. Хитой ёзувчилар уюшмаси 1962-йилнинг 2-16-август кунлари Далянда қишлоқ ҳикояларини яратишга бағишланган симпозиум ўтказди. У тарихга Далянь конференцияси номи билан кирди. Мажлисларда ХКП МК тарғибот бўлим бошлиғининг ўринбосари Чжоу Ян, маданият вазирининг ўринбосари Мао Дун, ХЁУ раиси Шао Цюанлин, ҳамда 8 провинция ва шаҳарлардан ташриф буюрган 16 ёзувчи ва танқидчилар, ҳусусан, Чжао Шули, Чжоу Либо, Кан Чжо, Ли Чжун, Си Жун, Хоу Цзинцин, Чэн Сяоюй, Шэн Цунвэн ва бошқалар иштирок этдилар. Конференция раиси этиб Шоа Цюанлин тайинланди. Асосий диққат эътибор халқ орасида мавжуд бўлган зиддиятларни акс этишда адабиётнинг ўрни масаласига қаратилди. Конференциянинг мақсади – қишлоқ насрини гиперболизациялашган мафкура ва бир турдаги қахрамонлардан халос этиш бўлган. Конференция натижаларига кўра, Шао Цюанлин замонавий адабиёт ҳолатини ўрганиб, “оралиқ қахрамонларни яратиш” ва “реализмни чуқурлаштириш” ғояларини расман илгари сурди.

Жамоат воқелиги, социалистик инқилобнинг асосий вазифалари ва хитой ёзувчиларининг тажрибаси нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак, қишлоқ – Хитой янги адабиётининг асосидир. Янги Хитойда қишлоқ сюжетлари ёзма ва оғзаки адабиётда устувор вазифани ўтаганлиги маълум бўлди. 1950-1960-йиллар адабиётида ишлаб чиқариш сюжетлари, шаҳар аҳолиси ҳаётини ёритувчи алоҳида асарлар яратилган бўлсада, умуман олганда, бу каби адабиётлар кам бўлган.⁵ Асосий ўринни инқилобий-тарихий асарлар эгаллаган,

⁵陈思和.《中国当代文学关键词十讲》.复旦大学出版社,2002年。

зеро улар деҳқонлар инқилоби ҳақида ҳикоя қилиб, қишлоқ ҳикоялари билан бирлашган. “Маданий инқилоб”дан кейин пайдо бўлган янги давр адабиётида, муаллифлар қишлоқ сюжетларига урғу беришдан воз кечдилар, уларнинг ўрнини инқилобдан кейинги рефлексия ва модернизаторлик кайфияти эгаллади. Давр лейтмотивлари намоён бўлди: “чандиклар”, ислохотлар, саводли ёшлар, “илдизларни излаш”, модернизм, авангардизм. Аммо буларнинг барчаси ортида қишлоқ ҳақидаги қиссалар ётарди. Шаҳар муҳити билан боғлиқ баъзи модернистик асарларни ҳисобга олмасак, янги давр асарларидаги воқеалар айнан шу ерда ривожланарди. Қишлоқ ҳикоялари 1980-1990-йилларда хитой адабиётида устунликка эга бўлган. Эҳтимол, бу замонавий хитой оғзаки ва ёзма адабиёти айниқса, инқилобий-социалистик наъмунанинг ўзига ҳос хусусиятидир.

Инқилобий-социалистик адабиётнинг бош қаҳрамони ҳисобланган деҳқонлар, адабий ижод ва санъатларда марказий ўринни эгаллади. Аксарият ёзувчиларнинг ўзлари қишлоқдан бўлишган ёки уни ислоҳ қилиш ғояси тарафдори бўлганлар, деҳқончилик билан бирлашиш, деҳқонлар каби фикр юритиш ва ҳис этиш, уларнинг одатлари ва ҳаётга бўлган муносабатини ўзлаштиришга ҳаракат қилганлар (мисол учун, Чжао Шули ижод қилган йўналиш, бутун Хитой адабиёти учун наъмуна бўлди). Социалистик адабиёт ажойиб тажрибани амалга оширди. Ваҳоланки, унинг бошқа чораси ҳам йўқ эди.

Хитой социалистик инқилоби, аслида деҳқонлар инқилоби эди. Замонавий Хитойда йирик ишлаб чиқариш тўнтариши юз бермади, чунки ишлаб чиқариш ва шаҳар тижорат капитализми етарли даражада ривожланмаган эди. Шаҳар ишчи синфининг ярми шаҳар камбағаллари, бошқа ярми эса қишлоқ камбағалларидан иборат эди. Уларнинг барчаси анъанавий хитой жамиятига ҳос одатларни сақлаб қолганлар. Шундай қилиб, Хитойнинг янги демократик инқилоби фақатгина деҳқонларники бўлиши мумкин эди. Демак, унинг иштирокчилари Хитойнинг ер ва мулкни қайта тақсимлаш, бой ва камбағалларнинг тенглиги каби анъанавий мафкуравий қарашларга мос келувчи идеалларни қабул қилиш ва талабларни қўллаб қувватлашга рози бўлар эдилар.

Янги демократик инқилоб босқичида чап инқилобий ёзувчилар пролетар адабиётнинг ривожига ва оммавийлашишига бел боғлаганлар. “Адабиёт халққа” ва “Адабиёт армия учун”⁶ номли ҳаракатлар авж олади. Адиблар тарихий

⁶Фань Боцюнь. История современной популярной литературы Китая I.//Перевод с китайского С.А.Кочмина, М.А. Тишкова, “Шанс”. - Москва. 2016.

Ўзгаришларга мос келадиган янги ифода шакл ва услубларини изладилар. Инқилобнинг мақсади мазлум халқни халос этиш бўлгани боис, адабий қаҳрамон ва муштарийлар ролига айнан қишлоқ камбағаллари лойиқ эди. Инқилобий адабиёт тарихий тўнтарилишлар йўлбошчиси вазифасини ўз зиммасига олиб, адабий қаҳрамон ҳамда уларнинг прототиплари орасидаги зиддиятли тизимга тушиб қолди. Ушбу тизимда иккинчи кўрсатилганлар зим турувчи, гўё пайдо бўлувчи, гўё йўқ бўлувчи бўлиб хизмат қилди. Адабиёт уларни қандай тасвирлайди, қандай қилиб тарихнинг бош қаҳрамонларига айлантириб кўрсатади? Саволлар мураккаб бўлиб, бевосита инқилоб билан боғлиқ эди. Шу нуқтаи назардан инқилобий адабиётни кўркмай иккинчи тўнтарилиш деб аташ мумкин эди. Мао Цзедун ўз “Чиқишлари”да адабиёт мазмун – моҳиятини таъкидлаб бош муаммо, яъни жамият ҳаётига инқилобий адабиёт мослашувини ҳал этмоқчи бўлди. Хитой инқилобий ҳаракати локал бўлганлиги (бошқа давлатларда амалга ошган социалистик инқилобларга нисбатан хитой инқилобини асосан деҳқонлар амалга оширган) сабабли у муддатидан аввал амалга ошди. Бу инқилоб марксизм ва Хитойдаги тўқнашувлар натижасида рўй берди. Сиёсий томондан инқилоб марксизм ғоясига суянса, маданий томондан хитойликлар бошқа давлатлар тажрибасини инобатга олмади, шу сабабли ресурсларни халқ анъаналарида излай бошлади. Даврнинг ҳарбий-инқилобий вазияти ҳамда шимолий-ғарбий қишлоқлардаги ҳаёт тарзи, маълум даражада Мао Цзедуннинг “Янъан тезислари”га таъсир кўрсатди, у эса ўз навбатида инқилобий адабиёт қишлоқ руҳида бўлиши шарт деб ҳисоблар эди. Унинг фикрича сиёсат билан келишилган асарлар мукамал бўлиши турган гап эди. Адабиёт ишчи, деҳқон ва аскарлар ҳақида сўзлаб, халққа ёқадиган услуб ва шаклларда тақдим этилсагина ушбу ғоялар амалга ошади.

Бундай мукамалликка Чжао Шулининг “Сяо Эрхэйнинг уйланиши”, “Ли Юцай кўшиқлари” номли ҳикоялари, Дин Линнинг “Санган дарёси устидаги қуёш”, Чжой Либонинг “Тўфон” каби романлари орқали биринчи бўлиб озод этилган ҳудудларда ижод қилган ёзувчилар эришдилар.⁷

Мао Цзедун адабиётга доим икки тарафлама қараган. Етакчи нуқтаи назаридан у адабиётда инқилобни кўрган. Раис сифатида мислсиз ишларни амалга ошираётганини ҳамда юзага келган инқилобий тарихни ўзгартириб

⁷罗长青.《中国当代文学概念与文学史写作》.科学出版社, 2017年。

юбориш учун барча маданий-ғоявий ресурсларни жалб этиши кераклигини тушунган. Бошқа тарафдан эса, шоир нуқтаи назаридан санъат ва адабиётга бошқача муносабатда бўлган Мао Цзэдун, асарда ўзига жалб этиш ҳамда китобхонни бирон воқеа-ҳодисага қизиқтиришсиз қутилган натижага эришиш имкони йўқлигини, бундай асарларни тарғибот йўлида ишлатиб бўлмаслигини билар эди. Шу билан бир қаторда Мао санъатга ижобий муносабатда бўлиб, адабиёт инсонга фақат хурсандчилик келтириши керак деб ҳисоблаган. Хитой кўп вақт давомида инқилобий зўравонлик муҳотида яшади. Анъаналар билан ғоявий алоқаларни узиш замонавий инқилобга ўтиш учун зарур бўлди. Инқилоб халқни жиддий хавотирга солиши адабиёт ва санъат бера оладиган бадиий образларга эҳтиёж сизди. Бу эса тарихни тушуниш, унга кириб боришга ёрдам беради. Инқилобий адабиёт ва санъатнинг вазифаси – нафақат тарихий жараёндаги синиш ва тажовузларни бадиий тасвирлаш, балки ушбу даҳшатли воқеалар инсониятга етказган шикастларни даволашдан ҳам иборатдир. Айнан шу сабаб, Мао Цзэдун инқилобий адабиётга хос бўлган пролетарча дунёқараш борасида кўп маротаба фикр юритган, ҳамда хитойликлар ўзларини ғарбнинг буржуа мафкурасидан сақлашлари лозимлигини таъкидлаган. Шу вақтнинг ўзида Мао Цзэдун, Хитойда инқилобий адабиёт ижобий тарафга ўзгариши учун, ўзига ҳос шакл ва усулни излашга тушади.

1953-йилнинг май ойида ХКП МК Ягона фронтининг Ишчи бўлинмаси бошлиғи Ли Вэйхан Мао Цзэдунга “Капиталистик ишлаб чиқариш ва савдони қўллаш, чеклаш ва ўзгартириш бўйича баъзи масалалар (дастлабки кўриниш)” номли далолатнома тақдим этди. Ушбу хужжатга бўлган танқидий эътирозларида Мао Цзэдун илк бор мамлакат ўтиш давридаги ривожланиш йўлининг асосини белгилаб берди. Марказий қўмита Сиёсий кенгашининг 15-июндаги йиғилишида ушбу концепция эълон қилиниб янги демократиядан социализмга ўтишнинг асосий мақсад ва вазифалари овоза қилинди. Мао Цзэдун таъкидлашича республика эълон қилинишидан бошлаб то социалистик ўзгаришлар тугаш давригача – ўтиш даври деб номланади; ушбу даврнинг асосий мақсади бу 10-15 йил ичида индустриализация жараёнини тугатиб, қишлоқ хўжалиги, кулолчилик, капиталистик ишлаб чиқариш ва савдо соҳаларида қайта қуриш белгиланган асосий вазифаларни бажариш бўлган.

Бироз вақт ўтиб Мао Цзэдун ХКП МК тарғибот бўлими томонидан нашр этилган “Ўтиш даврида белгиланган йўл тарғиботининг асосий низомлари” да ўхшаш топшириқларни берди. Унинг айтишича: “Ушбу йўл келажакдаги ишларимиз учун маёқ вазифасини бажариб, белгилаб олган мақсадларимиздан

чалғишимай, чап ёки ўнга оғиб қолмаслигимизга хизмат қилади⁸”. Мао Цзэдун танлаган йўл ёзувчиларга таянч бўлди. Ўша даврда яратилган деярли барча асарларда коллективизация мавзуси кўтарилди. Адабиётнинг мақсади - қишлоқдаги социалистик ўзгаришларни тушунтириб беришдан иборат бўлиб қолди.

Бироқ, ҳеч бир асар қуйидаги эътирозга жавоб бера олмайди: социалистик реализмнинг талаби – ҳаётни асл кўринишда акс этиш ва тарихий ривожланишнинг қоқоқлик устидан зафар қучишини тасвирлаш бўлса, Хитой социалистик реализмини ишончли дейиш мумкинми? Хитой социалистик реализми прогрессив деб номлаётган нарсалар ростдан ҳам шундайми? Ўша йиллардаги соцеалистик реализм йўналишидаги асарларнинг лейтмотиви сиёсат тан олган замоннинг “моҳият қонунийлиги”га асосан ёритишдан иборат бўлган. Бугунги кунда, “тарихий моҳият қонунийлиги” ким ҳақ ва ким айбдорлиги яққол, шунингдек ушбу асарларга мафкуравий йўналиш нуқтаи назаридан ижобий баҳо бериш ноўриндир. Аммо, ўша давр шароитида нима сабабдан халқда инқилоб ҳақидаги тасаввурни яратиши кераклиги тушунарли ҳолат. Бундан ташқари, оғзаки ва ёзма адабиёт, мураккаб сиёсий босим остида ўзининг бадийий шаънини сақлай олганлигини англамоқ даркор.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ван Цэнци. Избранные произведения современных китайских писателей. Пекин- “Народная литература”, 1992.
2. Дана К.А., Расулева Н.А. Литература Китая нового и новейшего периода. - Ташкент.: ТГУВ, 2020.
3. Фань Боцюнь. История современной популярной литературы Китая I.//Перевод с китайского С.А.Кочмина, М.А. Тишковец, “Шанс”. - Москва. 2016.
4. Kubin Wolfgang. Modernism and Postmodernism in Chinese Literary Culture. – Aarhus, 1993.
5. 罗长青. 《中国当代文学概念与文学史写作》.科学出版社, 2017年.
6. 雷达. 《中国现当代文学通史》.甘肃人民出版社, 2006年.
7. 王本朝. 《20世纪中国文学与文化》.安徽教育出版社, 2000年.
8. 陈思和. 《中国当代文学关键词十讲》.复旦大学出版社, 2002年.

⁸Бо Ибо. Баъзи муҳим ходиса ва қарорларни ретроспективаси. Пекин Чжунгун чжунян дансяо чубаншэ, 1991. 222 бет.

9. Mirzakhmedova, H. V., Omonov, K. S., & Khalmurzaeva, N. T. (2021). METHODS OF IMPROVING LANGUAGE SKILLS USING MEDIA SOFTWARE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(03), 47-55.
10. Nasirova, S. A., Hashimova, S. A., & Rikhsieva, G. S. (2021). THE INFLUENCE OF THE POLITICAL SYSTEM OF CHINA ON THE FORMATION OF SOCIAL AND POLITICAL TERMINOLOGY. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 10-17.
11. Мирзахмедова, Х. В. (2014). О некоторых проблемах формирования железнодорожных терминов (на материале персидского языка). *Вестник Челябинского государственного университета*, (14 (343)).
12. AMANOV, K. (2015). THE MATTER OF DIVIDING AGES IN HISTORY OF TURKIC OFFICIAL METHOD. *Turkish Studies (Elektronik)*, 10(12), 57-68.
13. Насирова, С. А. (2019). Языковая политика в Китае: идентификация общественно-политической терминологии. In *Китайская лингвистика и синология* (pp. 384-387).
14. Mirzaxmedova, H. (2020). TERMS MADE FROM THE ORIGINAL IRANIAN VOCABULARY IN PERSIAN. *Philology Matters*, 2020(1), 137-145.
15. Хашимова, С. (2020). НЕКОТОРЫЕ ГРАММАТИЧЕСКИЕ И СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ УДВОЕНИЯ В ЯПОНСКОМ ЯЗЫКЕ. In *Страны. Языки. Культура* (pp. 334-338).
16. Nadira, K. (2017). The problem in translation from Japanese to Uzbek in the novel "A Wild Sheep Chase"-Focusing on Politeness. *Literary Imagination*, 19(3), 760-771.
17. Ashiralievich, V. A., & Vasilovna, M. K. (2020). The interactive means of learning oriental languages. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 9(3), 78-86.
18. Рихсиева, Г. Ш. (2014). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕЙТИНГИ–СИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ. *Oliy ta'lim taraqqiyoti istiqbollari= Perspectives of higher education development= Перспективы развития высшего образования: То 'plam № 2/та'sul muharrir MA Rahmatullayev.–Издательство: Vita Color T.: 2014.–161 b., 29.*
19. Омонов, К. Ш. (2015). Типы деловых документов в истории старотюркского литературного языка. *Paradigmata poznani*, (3), 71-74.
20. Khalmurzaeva, N. T. (2019). СПОСОБЫ КЛАССИФИКАЦИИ ВЕРБАЛЬНЫХ ФОРМ КАТЕГОРИИ ВЕЖЛИВОСТИ В ЯПОНСКОМ ЯЗЫКЕ. *Theoretical & Applied Science*, (12), 27-33.

21. Hulkar, M. (2019). INTERACTIVE METHODS OF PEDAGOGICAL PROGRAMS IN TRAINING Oriental Languages. *Uzbekistan Journal of Oriental Studies*, 1(2), 146-155.
22. Рихсиева, Г. Ш. (2014). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕЙТИНГИ–СИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ. *Oliy ta’lim taraqqiyoti istiqbollari= Perspectives of higher education development= Перспективы развития высшего образования: То ‘plam № 2/та’sul muharrir МА Rahmatullayev.–Издательство: Vita Color T.: 2014.–161 б., 29.*
23. Gosmanovna Ibatullina, D., Rafisovna Alikberova, A., & Abdullayevna Nasirova, S. (2019). Modern Linguistic Trends in the Japanese Language. *Journal of Research in Applied Linguistics*, 10(Proceedings of the 6th International Conference on Applied Linguistics Issues (ALI 2019) July 19-20, 2019, Saint Petersburg, Russia), 500-505.